



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2024

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлоқ
хужалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжасва Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далам педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети


1. Жаҳонгирбек Жонқобилов СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	4
2. Обиджан Мадаминов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
3. Акмал Менглибоев СУРХОН ВОҲАСИДА 1921-1922 ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КУЧАЙИШИ.....	15
4. Baxtiyor Nazirov XOTIN-QIZLAR SPORTINI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI VA MAVJUD MUAMMOLAR.....	22
5. Mukhiddinjon Primov O‘ZBEKISTONDA KARTOGRAFIK FAOLIYATNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARNING QO‘LLANILISHI.....	28
6. Asror Raximov QARSHI CHO‘LI TARIXIGA NAZAR.....	35
7. Kamoliddin Toshov IKKINCHI JAHON URUSH YILLARIDA SURXONDARYO VILOYATI AHOLISINING G‘ALABAGA QO‘SHGAN MUNOSIB HISSASI.....	42
8. Sanjarbek Shoyimov SOVET-AFG‘ON URUSHIDA O‘ZBEKISTONNING ISHTIROKI VA URUSHNING U UCHUN SALBIY OQIBATLARI.....	49
9. Ikrom Xudayberdiyev DYURAND CHEGARA CHIZIG‘IGA AFG‘ONISTON VA POKISTONNING MUNOSABATI.....	57
10. Иззат Юсупов МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” БУХОРО САМАРҚАНД ВА НАВОИЙ ФИЛИАЛЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	63
11. Шерзоджон Чориев АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	69
12. Мардон Хасанов ХОРАЗМДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР (ХРИСТИАНЛИК МИСОЛИДА).....	76



Обиджан Зоиржон ўгли Мадаминов,
Урганч давлат университети ўқитувчиси
Урганч, Хоразм, Ўзбекистон
obidjonzoirjonovich@gmail.com

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

For citation: Obidjan Zoirjon ugli Madaminov. THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE SYSTEM OF INTERNATIONAL RELATIONS IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 1, pp.10-14

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10614751>

АННОТАЦИЯ

Маълумки халқаро ҳамкорлик азалдан икки асосий либерал ва реалистик йўналишдаги тадқиқотларнинг мунозара марказида бўлиб келган. Йигирманчи аср етмишинчи йилларидаги либерализм таълимоти устунлиги йигирма биринчи асрнинг бошларида реализм назарияси билан ўрин алмашди. Халқаро ҳамкорлик масаласи халқаро муносабатлар назариясида мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланди. Бу муаммони ўрганиш олимлар диққатини ҳамкорликнинг ички сабаблари, унинг тараққиётга тўсқинлик қилувчи ёки рағбатлантирувчи халқаро муҳитдаги ўрни, ҳамкорликка етакловчи омилларнинг сабаб ва оқибатлари, шакллари ҳамда турлари каби саволлар жалб қилди.

Мақолада халқаро муносабатлар ҳамда тизимида муҳим ахамият касб этувчи давлат имиж масаласи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: халқаро муносабатлар, халқаро ҳамкорлик, имиж, давлат имиж, халқаро ҳамкорлик прициплари.

Обиджан Зоиржон ўгли Мадаминов,

Преподаватель Ургенчского государственного университета
Ургенч, Хорезм, Узбекистан
obidjonzoirjonovich@gmail.com

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СИСТЕМЫ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ

Известно, что международное сотрудничество всегда было в центре обсуждения исследований двух основных либеральных и реалистических направлений. Господство доктрины либерализма в семидесятых годах XX века сменилось теорией реализма в начале XXI века. Проблема международного сотрудничества сформировалась как самостоятельное научное направление в теории международных отношений.

Исследование этой проблемы привлекло внимание ученых к таким вопросам, как внутренние причины сотрудничества, его место в международной среде, препятствующей или поощряющей развитие, причины и последствия факторов, приводящих к сотрудничеству, формы и виды.

В статье анализируется проблема имиджа государства, имеющая большое значение в международных отношениях.

Ключевые слова: международные отношения, международное сотрудничество, имидж, имидж государства, принципы международного сотрудничества.

Obidjan Zoirjon ugli Madaminov,
Lecturer at Urgench State University
Urgench, Khorezm, Uzbekistan
obidjonzoirjonovich@gmail.com

THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE SYSTEM OF INTERNATIONAL RELATIONS IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION

ABSTRACT

It is known that international cooperation has always been at the center of discussion of research in the two main liberal and realist schools. The dominance of the doctrine of liberalism in the seventies of the twentieth century was replaced by the theory of realism at the beginning of the 21st century. The problem of international cooperation has emerged as an independent scientific direction in the theory of international relations. The study of this problem has attracted the attention of scientists to such issues as the internal causes of cooperation, its place in the international environment that impedes or encourages development, the causes and consequences of factors leading to cooperation, forms and types.

The article analyzes the problem of state image, which is of great importance in international relations.

Index terms: international relations, international cooperation, image, state image, principles of international cooperation.

1. Долзарблиги:

Давлатнинг халқаро майдондаги мақоми ва қандай идрок этилиши масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ташқи ижобий имиж давлатнинг бошқа давлатлар ва халқаро тузилмалар билан муносабатлари тизимида шаклланади. Глобаллашув жараёни давлат имижини шакллантириш ва сақлаш технологияларининг ўзгаришига ёрдам бери.

Бугунги кунда халқаро ҳамкорлик борасидаги тадқиқотларни тартибга солиниши кейинги илмий изланишларни мақсад ва вазифаларини аниқлаб олиш учун етарлича кенг камровли маълумотларни тақдим этади.

2. Методлар:

Глобаллашув жараёнида халқаро муносабатлар тизимининг назарий асосларини ёритиш мобайнида тизимли ва хронологик таҳлил, тарихийлик ҳамда объективлик усулларидан фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларга кўра, шу жумладан, немис тадқиқотчиси Х.Милнер халқаро ҳамкорликка бағишланган замонавий адабиётларни таҳлил қилиб, бу соҳада сўнгги ўн йилликда сезиларли даражада ютуқларга эришилди, деган хулосага келди [1]. Бунда у ўз нуктаи назаридаги икки асосий назарий ютуқни ажратиб кўрсатди. Биринчидан, бугунги кунда ҳам давом этиб келаётган баҳс-мунозараларга қарамай, илмий ҳамжамиятда халқаро ҳамкорлик тушунчаси борасидаги келишув шаклланди. Иккинчидан ҳамкорликни мавжуд бўлган уч элементи: ҳамкор давлатларнинг умумий мақсади, вазиятдан кутилган фойда ва бу икки томонлама фойданинг ўзаро характери

намоён бўлди.

Шунингдек, бугунги кунда халқаро ҳамкорликнинг ҳар бир иштирокчи бировга ёрдам бериши шарт эмас, лекин буни қила туриб давлатлар сиёсатидаги икки томонлама муносабатда ўз шахсий имкониятининг яхшиланишини кутиши тўғрисида тушунча пайдо бўлди. Бундай тушунчада бошқаларнинг қизиқишларини қондиришга ҳалақит бериш учун йўналтирилган ёки фойдасини қисқартиришни мақсад қилиб олган хатти-ҳаракатларни ифодаловчи конфликт ёки ҳамкор рақобатчилар орасидаги меъёрларни излаб топиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса халқаро ҳамкорлик тушунчасини аниқлашдаги консенсуснинг мавжудлиги ижодий жараёнларнинг ҳеч бўлмаганда илк босқичларини шакллантиришга имкон беради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, халқаро ҳамкорликнинг қуйидаги приципларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, ўзаро алоқага кўра давлатлар фойдасини тақсимлаш меъёри ҳисобланадиган музокаралар (у бир вақтнинг ўзида ҳамкорликнинг мавжудлиги кўрсаткичи ҳисобланади). Сиёсий келишув музокаралар натижасида қўлга киритилган ва эришилган ютуқлар (фаолият жараёнидаги расмий шартнома ва битимлар) шаклида намоён бўлади.

Иккинчидан, шартномалар тузишни мўлжалламасдан, тўғридан-тўғри ёки расмий битимларсиз амалга ошириладиган ноаниқ ҳамкорлик (бундай ҳамкорлик иштирокчиларнинг мақсадлари бири-бирига тўғри келганда вужудга келади).

Учинчидан, мажбурий ҳамкорлик: кучлироқ давлат ўз сиёсати тамойилларини бошқа давлатда олиб борилаётган сиёсатга жорий қилишга мажбур қилади, айти дамда ўз давлати сиёсатига ўзгартиришлар киритади.

Тўртинчидан, экспертиза ва регламентларни амалга оширувчи ихтисослашган институтларни ташкил этиш (масалан, БМТ институтлари). Демак Х.Милнер ажратиб кўрсатганидек, халқаро ҳамкорлик соҳасида сўнгги изланишлар давомида қўлга киритилган яна бир муҳим ютуқ – бу давлатлараро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилаётган шароитлар ҳақидаги гипотезалар мажмуасидир. Бу гипотезалар халқаро ҳамкорлик назариясини тўлиқ қамраб олмасда, ҳар бири ҳамкорликни тобора ривожлантирувчи ўзгаришлар концепциясини тақдим этади. Бу эса униг таҳлили ва эмпирик тадқиқи асосида янги назарияни яратиш ва шунингдек халқаро муносабатларни ривожланиш тарихига асос бўладиган қуйидаги олтита гипотезани таҳлил қилиб чиқиб чиқди:

- “ўзаро алоқа гипотезаси” – асосий маъноси давлатларнинг ҳамкорликдан кутадиган фойда ва уларни йўқотишдан кўркиши натижасида ундан бош тортган ҳолларда уларни жазолаш;
- “иштирокчилар миқдори ҳақидаги гипотеза”. Бу гипотезага кўра, ўзаро алоқа қилувчи давлатлар сонининг қисқариб бориши билан ҳамкорлик истикболлари ошади;
- “интеграция гипотезаси” – давлатларнинг ҳамкорлик қилиш имкониятлари ҳамда уларнинг ўзаро алоқалари давомийлигига боғлиқлиги;
- “халқаро режимлар ҳақидаги гипотеза” ёки у қарор қабул қилишдаги меъёр ва принциплар ҳақида бўлиб, халқаро ҳамкорлик марказлари тақдим этадиган тўпламларида акс этади;
- “эксперт ҳамжамиятлари гипотезаси”. Муаммонинг умумий тушунчаси ва уни ечиш йўлларини ажратиб кўрсатадиган мутахасис экспертлар ҳамкорлиги;
- “кучлар муовозанати гипотезаси”. У барқарор гегемонлик назариясига ўхшаш бўлиб, агар ҳамкор давлат кучли ва гегемон бўлса, ҳамкорликни йўлга қўйиш янада қулай бўлади.

Юқорида Х.Милнер кўрсатиб ўтган гипотезалардаги асосий камчилик шунда кўринадики, у халқаро ҳамкорликнинг ички манбаларига эътибор қаратмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтдаги энг замонавий назариялар доирасида халқаро ҳамкорликнинг кўриб чиқиш лозим.

Давлат имижини яратиш замонавий халқаро муносабатлар тарихининг асосий омилларидан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда халқаро ҳамкорлик жараёнидаги ечимини кутаётган муаммолар глобал тарихий жараёнларнинг иккита муҳим назарияси –

неолиберализм ва неореализм ўртасидаги баҳс-мунозаралар предметиға айланди. Улар ўртасидаги баҳслар халқаро муносабатлардаги анархия ва оқибатлар, ҳокимият тизимларининг конфигурацияси ва давлатнинг ижобий образи – имижини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни қамраб олмақда.

Маълумки, Буюк Британияда шаклланган М.Уайт ва Х.Булл номлари билан боғлиқ бўлган илмий мактаб намоёндалари халқаро ҳамкорликни “халқаро жамият” ва унинг меъёрий структураси каби кўшимчаларнинг тарихий мустаҳкамланиши натижаси деб ҳисоблашади [2]. Шунинг билан биргаликда уларнинг фикрича, халқаро жамият давлатни халқаро майдондан сиқиб чиқарадиган институт сифатида намоён бўлади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки давлат халқаро жамиятда жорий этилган меъёрларни аниқлашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу меъёрлар эса давлатларнинг халқаро фойлиятни тартибга солишда тарихан узоқ давом этган ўрганишлар натижасидир. Легитимлик давлатларнинг мавжудлигини тан олиш ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларига кучли таъсир қилувчи халқаро меъёрлар фаолиятини тан олишнинг исботидир.

Мамлакат имижининг шаклланиши давлат ва унинг раҳбарларининг сиёсий фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ. Айнан сиёсат фалсафаси образ-имиж тушунчасини белгилаб беради. Сиёсий фалсафа сиёсий ғоялар, қадриятлар, манфаатлар, давлат ва ҳокимиятнинг моҳияти, фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганади. Шундай қилиб, бу давлатларнинг сиёсий раҳбарларининг халқаро муносабатларнинг хусусияти ва тенденцияларини ўзларининг ахлоқий тамойиллари, идеаллари, манфаатлари, қадриятлар тизимиға мувофиқ давлатнинг тарихий истиқболини белгилаб беришда хал қилувчи ролни ўйнашади.

Имиж назариясида у жозибали ва ижобий бўлиши керак, дея таърифланади. Аммо давлатларға бунинг учун куч, мустақиллик, ирода каби фазилатлар талаб этилади. Бу жараён иккита бир-бирини тўлдирувчи ва табиий тенденцияларға олиб келади. Бир томондан, давлатнинг бўлиниши, унинг халқаро муносабатлар тизимида ўзини ўзи англаши (самоидентификация); бошқа томондан, иттифоқчиларни излаш, раҳбарлар ва давлатлар даражасида халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари билан бирлашиш мавжуд. Бу ерда асосий восита – ҳаракатлар, ниятларни намоёйиш қилиш, тасвир, усуллар, халқаро муаммоларни ҳал қилиш йўлларида акс этади. Индивидуал ва гуруҳли халқаро тарихий образлар шундай яратилади. Давлат ва сиёсатчилар халқаро жараёнға киритилмоқда. Бу жараён иттифоқчиларни излаш, рақибларнинг режаларини ўрганиш, улар ҳақида салбий фактлар ва миш-мишларни тарқатиш ва ўзи ҳақида ижобий фикр яратиш орқали давом этади.

4. Хулосалар:

Умуман олганда, халқаро муносабатларда давом этаётган жараёнларни тушуниш, ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, халқаро муносабатларни ривожлантириш учун қонуниятлар, парадигмалар ва қадриятларни аниқлаш ва шакллантиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда, бу охир-оқибатда давлат имижининг йўналишлари ва хусусиятларини тубдан ўзгартиради. Халқаро муносабатларнинг кенг миқёсда ривожланиши туфайли алоҳида мамлакатларға қизиқиш ортиб бормоқда. Бу қизиқиш истеъмолчи ва ташқи сиёсат даражасида, шунингдек, умуминсоний ғоялар контекстида намоён бўлади.

Мамлакат образини шакллантиришнинг асосий воситалари оммавий аҳборот воситалари, дипломатия, тил сиёсати, миллий маданиятни тарғиб қилиш орқали намоён бўлади. Бундан келиб чиқадики, санаб ўтилган воситалар қўзланган тарихий мақсадларни амалға ошириш учун шароит яратиб, ижобий жамоатчилик фикрини шакллантиришға ёрдам беради. Мамлакат қиёфаси тарихий, географик, этнолингвистик, маданий ва диний каби турли хусусиятларни ҳам ўз ичига олади. Ташқи сиёсий имиж тузилмаси давлат раҳбари, ҳокимият тузилмалари ва ҳокимиятни амалға ошириш механизмлари ҳақидаги ғояларни ўз ичига олади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. European Union and New Regionalism: Regional Actors and Global Governance in a Post-Hegemonic Era/Ed. by M. Telò. — Ashgate Publishing, Ltd., 2007.
2. English school of international relations. URL: http://en.wikipedia.org/wiki/English_school_of_international_relations_theory
3. Васич В.Н., Ширинянц А.А. Политика. Культура. Время. Мифы. М.: Диалог-МГУ, 1999. 129 с. (Vasich V.N., Shirinyants A.A. Policy. Culture. Time. Myths. M.: Dialogue-MSU, 1999. 129 p.)
4. Водолагин АА. Интернет СМИ как арена политической борьбы // Общественные науки и современность. 2002. №1. С. 49-67. (Vodolagin AA. Internet media as an arena of political struggle // Social sciences and modernity. 2002. No. 1. pp. 49-67.)
5. Вылегжанин Д.А. Введение в политическую имиджелогия. М. : Изд-во «Флинта», 2008. 136 с. (Vylegzhanin D.A. Introduction to political imageology. M.: Flint Publishing House, 2008. 136 p.)
6. Политическая имиджелогия / под ред. А.А. Деркоча, Е.Б. Перельгиной и др. М.: Аспект-Пресс, 2006. С. 10-24. (Political imageology / ed. A.A. Derkocha, E.B. Perelygina et al. M.: Aspect-Press, 2006. P. 10-24.)
7. Галумов Э. Имидж и дипломатия // Информация. Дипломатия. Психология / под ред. Ю.Б. Кашлева. М. : Известия, 2002. С. 159-170. (Galumov E. Image and diplomacy // Information. Diplomacy. Psychology / ed. Yu.B. Kashleva. M.: Izvestia, 2002. pp. 159-170.)
8. Панасюк А.Ю. Формирование имиджа: стратегия, психотехники, психотехнологии. М. : Омега-Л, 2007. 266 с. (Panasyuk A.Yu. Image formation: strategy, psychotechniques, psychotechnologies. M.: Omega-L, 2007. 266 p.)
9. Перельгина Е.Б. Имидж как феномен intersubjectивного взаимодействия: содержание и пути развития : дис. . д-ра психол. наук. М., 2003. 697 с. (Perelygina E.B. Image as a phenomenon of intersubjective interaction: content and development paths: dis. . Doctor of Psychology Sci. M., 2003. 697 p.)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000